

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 239-ҳадис

239 - حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ قَالَ: صَارَتْ صَفَيَّةُ لِدِحْيَةِ فِي مَقْسَمِهِ، وَجَعَلُوا يَمْدُحُونَهَا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: وَيَقُولُونَ: مَا رَأَيْنَا فِي السَّبَّيِ مِثْلَهَا، قَالَ: فَبَعْثَ إِلَى دِحْيَةَ، فَأَعْطَاهُ إِنَّمَا مَا أَرَادَ، ثُمَّ دَفَعَهَا إِلَى أُمِّيِّ، فَقَالَ: «أَصْلِحِيهَا»، قَالَ: ثُمَّ حَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ حَيْبَرَ، حَتَّى إِذَا جَعَلَهَا فِي ظَهْرِهِ تَرَلَ، ثُمَّ ضَرَبَ عَلَيْهَا الْقُبَّةَ، فَلَمَّا أَصْبَحَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَ عِنْدَهُ فَضْلٌ رَّاِدٌ، فَلْيَأْتِنَا بِهِ»، قَالَ: فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَحْيِيُّ بِفَضْلِ التَّمْرِ، وَفَضْلِ السَّوِيقِ، حَتَّى جَعَلُوا مِنْ ذَلِكَ سَوَادًا حَيْسًا، فَجَعَلُوا يَأْكُلُونَ مِنْ ذَلِكَ الحَيْسِ، وَيَسْرِبُونَ مِنْ حِيَاضِ إِلَى جَنْبِهِمْ مِنْ مَاءِ السَّمَاءِ، قَالَ: فَقَالَ أَنَسُ: فَكَانَتْ تِلْكَ وَلِيمَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهَا، قَالَ: فَأَنْطَلَقْنَا، حَتَّى إِذَا رَأَيْنَا جُذُرَ الْمَدِينَةِ، هَشِيشَنَا إِلَيْهَا، فَرَفَعْنَا مَطِينَةً، وَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَطِينَةً، قَالَ: وَصَفَيَّةُ حَلْفَهُ، قَدْ أَرْدَفَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: فَعَتَرْتُ مَطِينَةً رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَصُرِعَ وَصُرِعَتْ، قَالَ: فَلَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ يُنْظُرُ إِلَيْهِ، وَلَا إِلَيْهَا، حَتَّى قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَسَتَرَهَا، قَالَ: فَأَتَيْنَاهُ، فَقَالَ: «لَمْ نُضَرِّ»، قَالَ: فَدَخَلْنَا الْمَدِينَةَ، فَحَرَجَ جَوَارِي نِسَائِهِ يَتَرَاءَيْنَهَا وَيَشْمَمُنَّ بِصَرْعَتِهَا.

[خ 371، م 1365، ت 1095، س 3342، د 2054، جه 1908.]

Анас розияллоҳу анҳу сўзлаб берди:

«Сафийя Диҳянинг чекига тушган эди. Уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида мақтай бошлашди, «Асиirlар ичидан унақасини кўрмадик», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Диҳяга одам жўнатиб, (Сафийянинг) эвазига унга истаганини бердилар.* Сўнг уни

(Сафийяни) онамга топшириб, «**Уни** (уст-бошини) **тузатгин**», дедилар. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбардан чиқдилар. Уни уловларига қўйиб, ўзлари (ерга) тушиб олдилар. Сўнг унга чодир тикдилар. Тонг отганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимда ортиқча егулик бўлса, бизга олиб келсин**», дедилар. Одамлар ортган хурмо ва талқонларини олиб кела бошлашди. Сўнг ундан ҳайс* қилишди. (Ҳамма) ўша ҳайсдан еб, ёнларидаги ёмғирдан ҳосил бўлган ҳовуздан ичишар эди. Мана шу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга қилиб берган валималари бўлди.

Кейин йўлга тушдик. Мадинанинг деворлари кўрингач, у томон ошиқиб, уловимизни тезладик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уловларини тезладилар. Сафийя у зотнинг ортларида эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни мингаштириб олгандилар. Шу пайт Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уловлари қоқилиб кетиб, у зот йиқилиб тушдилар, у (Сафийя) ҳам йиқилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, уни тўсгунларича бирор киши у зотга ҳам, унга ҳам қарамай турди. Кейин биз у зотнинг олдиларига бордик. У зот: «**Зарар кўрмадик**», дедилар. Мадина га кириб бордик. У зотнинг ёш аёллари уни (Сафийяни) кўргани чиқишли.

Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

* Бу ерда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Сафийянинг гўзаллиги ҳам айтилгани эсга олинмоқа. Аммо у зотнинг унга уйланишларига асосий туртки бўлган омил бу эмас, чунки бошқа ривоятларда бу никоҳ аввало ижтимоийсийёсий сабаблар туфайли бўлгани айтилган.

* Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари оддий инсон сифатида, аёл сифатида раشكлари келиб, беихтиёр шу ҳолатга тушишган.

Манба: hadis.islom.uz



